Октябрнинг 50 йиллиги

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАСИ 1.000.000 ТОННАДАН ОШДИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ


ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИЮЛ ЧИҚИШИ

№ 190 (3672).

26 СЕНТЯБРЬ СЕШАНБА 1967 ИЙЛ

Баҳоси 2 тийин.



Шу кунларда Юқори Чирчиқ пахта қабул қилиш пункти томон келаётган «оқ олтин» карвонларининг чеки йўқ. Улар деҳқон меҳнати билан етиштирилган дурдоналарни она-Ватан хазинасига ташиб келтирмоқдалар. Бу суратда кун сайин кўкка бўй чўзаётган юбилей «оқ олтин» хирмонларини кўриб турибсиз.

Г. Пун ва И. Душкин фотоси. (ЎзТАГ).

КИТОБ—ОММАГА!

Доҳимиз В. И. Ленин «Китоб—катта куч» деб ёзган эди. Партия ва ҳукуматимиз қишлоқда турмуш маданиятини ошириш ҳақида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келар экан, бунда меҳнаткашлар ўртасида китоб савдосини янада ривожлантириш ва уни яхшилашга катта аҳамият беради.

Кейинги йилларда областимиз қишлоқларида китоб савдосини ташкил қилишни яхшилаш борасида анчагина ишлар амалга оширилди. Жумладан, китоб магазинлари тармоғи 1960 йилга нисбатан 13 тага кўпайди. Ҳозирги вақтда районларда 33 та ихтисослашган китоб магазини бор. Бундан ташқари район марказлари, колхоз ва совхозларида 43 та китоб дўкони, 29 та аралаш моллар магазини ва маданий товарлар магазинлари, 7 та маданий буюмлар магазини, 6 та мактаб, кооператив киоска, 17 та кутубхона ишлаб турибди. Область матлубот союзи системасида эса уч йилдан бери «Книга—почта» бўлими ишламоқда.

Қишлоқ аҳолисига билим манбаи бўлган китоб сотиш ўтган йили 1960 йилга нисбатан 221,5 минг сўмликка кўпайди. Шу йилнинг етти ойи мобайнида эса 763 минг сўмликдан қўлроқ турли хил адабиётлар сотилди. Бу пландагига қараганда анча кўпдир. Оққўрғон, Бекобод, Юқори Чирчиқ, Янгийўл районларида китоб сотиш бўйича белгиланган топшириқлар яхши бажарилаяпти.

Бироқ, КПСС Марказий Комитетининг шу йил 24 июлдаги ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 16 августда чиқарган қарорларида кўрсатилганидек, қишлоқда китоб савдосини ташкил этиш борасида ҳали жиддий камчиликлар мавжуд. Айрим район партия комитетлари, кўпгина бошланғич партия ташкилотлари район матлубот союзлари бу масалага кам эътибор бераяпти.

Китоб сотишни кенгайтириш ҳамда китоб савдоси маданиятини оширишга имкон берадиган моддий-техника базасини ривожлантиришда мавжуд бўлган имкониятлардан ёмон фойдаланилаётир. Калинин, Юқори Чирчиқ, Бўка районларида китоб магазинлари тармоқлари кўпаймаяпти.

Янгийўл районида 1959—1965 йилларда 8 та китоб магазини очиш кўзда тутилган эди. Бироқ, шу вақтгача уларнинг атиги учтаси қуриб битказилди.

Беш йиллик мобайнида областимизда саккизта магазин ишга туширилиши лозим. Аммо, уларнинг бирортаси ҳам ҳануз гача қурила бошлагани йўқ. Оржоникидзе районида 51,1 минг кишига, Калинин районида 104,3 минг кишига атиги битта китоб магазини тўғри келади.

Халқ китоб магазинлари, носкалар, мактаб кооперативлари синғари китоб савдосининг магазиндан ташқари ва жамоат формалари ҳали суст жорий қилинаётир. Район матлубот союзлари ва маданият бўлимлари кутубхоналар, китоб сотувчи клубларнинг кенг тармоғидан ёмон фойдаланадилар. Китоб пропагандасига ва уни сотиш ишига ўқитувчилар, врачлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, колхозчилар ва совхоз ишчилари орасидан чиққан жамоатчи матбуот тарқатувчилар камдан-кам жалб қилинади. Оққўрғон, Бекобод, Калинин районларида бу ишга айниқса, сust бормоқда.

Қишлоқ китоб магазинлари ва омборларида адабиётлар тўпланиб ётибди.

Ўрта Чирчиқ, Оржоникидзе, Янгийўл районларида китоб сақлаш жуда қониқарсиз аҳволда.

Районларда қишлоқ аҳолисининг китобга бўлган талаби ёмон ўрганилаётир. Заказлар рўйхатини тузишда одатда фақат китоб савдоси ходимлари қатнашади. Қатор китоб магазинларида талаб ва таклифлар дафтарчаларини кўрмайсиз.

Район партия комитетлари, матлубот союзлари қишлоқ китоб савдосини малакали, гоявий чиниққан кадрлар билан мустаҳкамлаш борасида керакли тадбирларни кўрмаётирлар. Кадрлар қўнимсизлигига ҳам йўл қўйилмоқда.

Районларда китоб пропагандаси ёмон аҳволда. Маҳаллий радиоузеллар, район, кўптиражли газеталардан шу мақсадларда деярли фойдаланилмайди. Комсомол, касаба союз ташкилотлари ҳам китоб савдосини яхшилаш ишига етарлича эътибор қилмайдилар.

Бундай жиддий камчиликлар шу туфайли рўй бермоқдаки, кўпгина партия ташкилотлари китоб савдосини учинчи даражали иш деб билиб, савдо ходимлари ҳамда район матлубот союзлари ишини сust назорат қиладилар.

Партия комитетлари ва матлубот союзлари ана шу камчиликларни тугатмоқ учун районларда китоб савдосининг аҳволини мунтазам равишда текшириб турсинлар, матлубот кооперацияси ташкилотларига зарур бўлган ёрдам кўрсатишлари лозим. Китоб савдосининг моддий-техника базасининг ривожланишига алоҳида эътибор берилиши лозим. Бунда 1966—1970 йилларга белгиланган китоб магазинларини ишга тушириш планларининг бажарилишига, киоскалар тармоғини кенгайтиришга, махсус ихтисослашган китоб бўлимларини ташкил қилишга эътиборни қаратиш керак.

Шунингдек, магазиндан ташқари китоб савдосини жамоатчилик ёрдамида дуруст йўлга қўйиш билан қишлоқ ва колхоз кутубхоналарида, клуб ва маданият уйларида, мактабларда адабиётлар сотишни амалга ошириш дарков. Китоб бозорлари, ҳафталиклари, ойликлари, ёзувчиларнинг ўқувчилар билан учрашувлари, адабиёт сотиш кўргазмалари синғари пропаганда формаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ аҳолисининг китобга бўлган талаб ва эҳтиёжини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишга партия, комсомол активи, қишлоқ хўжалик мутахассислари, ўқитувчилар, врачлар, кутубхона ва клуб ходимларини жалб қилиш лозим. Бундан ташқари китоб савдосини малакали, гоявий жиҳатдан чиниққан кадрлар билан мустаҳкамлаш, ишлаётган ходимларнинг умумий таълим ва ихтисослик даражасини, сиёсий тайёргарлигини ошириш зарур. Район газеталари, радиоузеллар нашрга тайёрланаётган китоблар ҳақида хабар қилиб турсинлар, китоб савдосининг боришини ҳамда энг яхши китоб магазинлари иш тажрибасини кенг ёритсинлар.

Мамлакатимиз Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига тайёрланаётган бир даврда қишлоқда китоб савдосини кенг ривожлантириш меҳнаткашларни гоявий-сиёсий ва маданий жиҳатдан тарбиялашнинг муҳим шартидир.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ 50 ИЙЛЛИГИ НОМИДАГИ БРАТСК ГИДРОЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИНИНГ БИНОКОРЛАРИГА, МОНТАЖЧИЛАРИГА, УНИ ИШЛАТУВЧИ ХОДИМЛАРГА, ҚУРИЛИШНИНГ БАРЧА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети сизларни катта меҳнат ғалабаси билан, Улуғ Октябрь 50 йиллиги номидаги Братск гидроэлектростанцияси тўла равишда ишлатиш учун топширилганлиги билан қизғин қутлайдилар.

Иркутск областининг шимолий қисмида мураккаб табиий-географик шароитда қуриб битказилган Братск гидроэлектростанцияси инженерлик режаси, тежамкорлиги ва бажарилган ишларнинг сифати жиҳатидан жаҳон гидроиншоотлари қуриш практикасида тенги бўлмаган нодир иншоотдир. Давлат комиссияси Ангарадаги гидроузел қуриш ишларига аъло баҳо берди.

Биринчи агрегат ишга туширилган пайтдан бери бу гидроэлектрстанция мамлакат шарқидаги районлар халқ хўжалиги ва аҳолиси учун 66 миллиард киловатт-соатга яқин арзон электр энергия ишлаб берди. Бу электр энергия Совет Иттифоқидаги барча электр станцияларининг 1948 йилда берган электр энергиясига тенг. Бу — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги арафасида совет халқига яхши совға бўлди.

КПСС Марказий Комитетн ва СССР Министрлар Совети Братск гидроэлектрстанциясини курган бинокорлар, монтажчилар ва уни ишлатаётган ходимларнинг коллективлари ватанимиз марказида энергетика ва саноат объектлари қуришнинг КПСС XXIII съезди белгилаб берган программасини бажариш учун бундан буён ҳам ўзларининг куч ва билимларини аямайдилар, деб ишонч билдирадилар.

Сиз, азиз ўртоқларга, меҳнатда янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва шахсий ҳаётингизда бахт-саодат тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

БРАТСК ГИДРОЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИГА УЛУҒ ОКТЯБРЬ 50 ЙИЛЛИГИ НОМИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳонда энг катта Братск гидроэлектростанцияси умумхалқ байрами арафасида тўла равишда ишга туширилганлиги муносабати билан унга Улуғ Октябрь 50 йиллиги номи берилсин ва бундан буён у «Улуғ Октябрь 50 йиллиги номидаги Братск гидроэлектростанцияси» деб аталсин.

СССР Олий Совети Президиуми Раиси

Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиуми Секретари

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль,
1967 йил 23 сентябрь

150.000 ТОННА ТОШКЕНТ ПАХТАСИ ТАЙЁР!

ОБЛАСТДА БИРИНЧИ

ОҚҚЎРҒОН (Телефон орқали олинди). Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб астойдил ишлаётган Ленин номли колхоз аъзолари катта ғалабани қўлга киритдилар. Улар куни кеча юбилей йили пахта тайёрлаш планини 12 иш кунида бажарганликлари тўғрисида партияга, халққа, она-Ватанга ғалаба рапорти бердилар! Тайёрлов пунктларига 1092 тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширилди. Ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди.

Хўжалик механизаторлари машина терими планини ҳозиргача 128 проент адо этдилар. Колхоз далаларида «заигорн кема»лар бетиним ишлаб турибди. Илғор механик-ҳайдовчилардан В. Ким, Р. Хабиев, У. Темирбоев, В. Кан ўртоқлар ҳозирнинг ўзидаёқ 70—75 тоннадан пахта теришга муваффақ бўлдилар.

Ватанни янгидан-янги меҳнат совғалари билан қувонтиришга ошиқаётган колхоз пахтакорлари гектар бошига олинадиган ҳосилни 35 центнерга етказиш ва социалистик мажбуриятларини 1 октябрга қадар шараф билан бажариш учун ғайратга-ғайрат қўшмоқдалар.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети пахта йиғим-терими илғорларига кўчма Қизил байроқларни ҳар беш кунда бериб боришга қарор қилдилар. Пахта терими ва уни давлатга сотишда эришилган энг яхши кўрсаткичлар учун область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан бирга йиғим-терим илғорларини мукофотлаш учун районга 300 сўм, колхоз ва совхозларга 100 сўмдан пул ҳам ажратилади. Шунингдек, илғор хўжаликларга бериш учун районларга биттадан юк автомашинаси ажратилади.

Юбилей йили пахта тайёрлаш ва машина терими планларини муддатидан илгари бажарган районлар, колхозлар, совхозлар, шунингдек олий ўқув юртлари ҳамда илмий-тадқиқот институтларининг ўқув-тажриба хўжаликлари номларини ёзиб бориш учун «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари саҳифаларида область «ҲУРМАТ ТАХТАСИ» таъсис этилди.

Пахта тайёрлаш ва машина терими юзасидан зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажарган районлар, колхозлар ва колхозларнинг ишлаб чиқариш участкалари, совхозлар ва уларнинг бўлимлари, ўқув ва тажриба хўжаликлари ҳамда звеноларнинг номини область «ОЛТИН КИТОБИ»га ёзиб боришга қарор қилинди.

Колхозлар, колхозларни н г ишлаб чиқариш участкалари, совхозлар ва уларнинг бўлимлари, ўқув, тажриба хўжаликлари ва звеналар район партия комитетлари, район ижроия комитетлари ва область қишлоқ хўжалиги бошқармасининг тавсиясига мувофиқ область «Ҳурмат тахтаси» ва «Олтин китоб»га ёзиб борилади.

* * *

Область партия комитети ва область ижроия комитети пахта тайёрлаш илғорларини рағбатлантириш мақсадида қуйидагича қарор қилдилар:

Давлатга пахта сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини 15 октябрга қадар бажарган (машина терими планини ҳам бажариш шарти билан) колхоз ва совхозларга пахтачилик илғорларига сотиш учун область фондидан биттадан енгил автомашина, колхозларнинг ишлаб чиқариш участкалари ва совхозларнинг бўлимларига биттадан коляскали мотоцикл ажратилсин. Енгил автомашина ва мотоциклар район партия комитетлари ва район ижроия комитетларининг тавсияларига мувофиқ ажратилади.

Область партия комитети ва область ижроия комитети илғор лубкорларни рағбатлантириш мақсадида қуйидагича қарор қилдилар:

Канон ҳосилдорлигини ошириш, давлатга луб сотиш юзасидан ўз социалистик мажбуриятларини бажарган ва областда биринчи ўринни эгаллаган колхозга энг илғор лубкорларга сотиш учун область фондидан битта «Волга» автомашинаси, иккинчи ўринни эгаллаган колхозга битта «Москвич» автомашинаси, учинчи ўринни эгаллаган колхозга битта коляскали мотоцикл ажратилсин.

ЛУБКОРЛАР ҒАЛАБАСИ

Юқори Чирчиқ районининг қишлоқ хўжалиги механизаторлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги юбилейини муносиб кутиб олиш учун астойдил курашиб келмоқдалар. Фидокорлик кўрсатиб ишлаётган меҳнат ўзининг ажойиб самараларини бермоқда. Катта байрамга бирин-кетин салмоқли туҳфалар ҳозирланмоқда. Район лубкорлари давлатга канон пояси сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида ғалаба рапорти бердилар. Тайёрлов пунктларига қарийб 120 минг тонна аъло сифатли хомашё етказиб берилди.

Лубкорлар «кўк олтин» ҳосилдорлигини йил сайин ошириш учун бутун имкониятларини ишга солмоқдалар, деҳқончилик маданиятини оширмоқдалар, юксак агротехника қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда иш тутмоқдалар. Ана шунинг натижасида район хўжаликларида луб ҳосилдорлиги тобора ортаяпти. Бу йил район бўйича ҳар гектар ердан ҳозирнинг ўзида 167 центнердан каноп пояси ўриб-йиғиб олинди. Бу — лубкорларнинг катта ғалабасидир.

Машъал «Политотдел» колхозининг лубкорлари йиллик топшириқни ҳозиргача 112 процентдан ошириб юбордилар ва районнинг бу ютуғига салмоқли ҳисса қўшдилар. Свердлов номли, «Правда» колхозларининг деҳқонлари ҳам давлатга ҳар қачонгидан қарийб ҳам кўп луб етказиб берибгюбилей йили топшириқларини анча ортиғи билан адо этдилар.

Уста деҳқонлардан Ғани Каримов, Анатолий Ким, Петр Тен, Холмат Мирсалмонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг деҳқонлари гектар бошига 200 центнердан ошириб «кўк олтин» ҳосили кўтардилар ва «Политотдел» колхозидагина эмас, балки бутун районда рекорд қўйдилар. Свердлов номли колхоздан Валентин Пак, Тен Юн Эн, Абдураҳмон Ажабалиев ўртоқлар бошлиқ бригаларда ҳосилдорлик 190—200 центнерга етказилди. «Правда» колхозидан Николай Ким, Усканбой Ўтелов, Карл Маркс номли колхоздан Турғун Тугалбоев, «Ўзбекистон» колхозидан Ю. Ен Сен, Қурбон Рустамов синғари ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг аъзолари, ҳам луб ҳосилдорлигини илгаригига нисбатан анча оширишга муваффақ бўлишди.

Район хўжаликларида буйил канон ўрим-йиғимни мавсумида янги «ЛС» маркали машиналардан унумли фойдаланилмоқда. Ҳар томонлама афзал бўлган бу машиналар ҳосилни ўрим-йиғимнинг қисқа фурсатда тугаллаш, четдан ишчи-кучлари ёлламаслик имконини бермоқда.

Юқоричирчиқлик лубкорлар ҳосил ўрим-йиғимини қизғин давом эттиришмоқда. Улар Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига давлатга пландан ташқари яна кам деганда 12 минг тонна каноп пояси етказиб беришга аҳд қилишди.

ДЎСТОНА ВИЗИТ

* * *

Туркия Бош министри Сулаймон Демирел 24 сентябрда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси Ё. С. Насриддинова ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Р. Қурбонов ҳузурида бўлди.

Визит чоғида дўстона самимий суҳбат бўлди.

25 сентябрь куннинг иккинчи ярмида Туркия ҳукуматининг бошлиги Сулаймон Демирел билан унга ҳамроҳ бўлган кишилар Тошкентдан Бокуга жўнаб кетдилар.

Аэропортда меҳмонлар қизғин узатиб қолинди. (ЎзТАГ).

ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АЮБХОН МОСКВАГА КЕЛДИ

МОСКВА, 25 сентябрь. (ТАСС). Покистон президенти фельдмаршал Муҳаммад Аюбхон Совет ҳукуматининг таклифига биноан, бугун Москвага келди.

Хурматли меҳмонни Внуково аэропортида СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, Д. С. Полянский, Ю. В Андропов ва бошқалар кутиб олдилар.

Кутиб олиш вақтида фахрий қоровул саф тортиб турди, иккала мамлакатнинг давлат гимнлари ижро этилди ва артиллериядан миллатлар салюти берилди.

Юбилей йили оқ олтини

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 25 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Районлар	Бир кунда	мавсум бошидан бери	Машина терими: Бир кунда	мавсум бошидан бери
Янгийўл	3,98	58,72	4,67	58,75
Оққўрғон	5,62	55,08	6,30	63,94
Юқори Чирчиқ	4,66	49,01	6,22	66,38
Бўка	5,04	48,00	6,28	58,62
Ўрта Чирчиқ	4,64	46,14	5,76	58,66
Оржоникидзе	3,62	40,83	5,09	24,36
Бекобод	3,09	28,43	4,18	29,33
Область бўйича:	4,57	48,42	5,66	56,10

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Еттинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси Олий Советининг иккинчи сессияси 1967 йил 24 октябрда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясининг муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

1. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1968 йилги давлат плани тўғрисида;

2. Ўзбекистон ССРнинг 1968 йилги давлат бюджети ҳақида ва Ўзбекистон ССРнинг 1966 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисида;

3. Ўзбекистон ССР Олий судини сайлаш;

4. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1967 йил 23 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ПЛАННИ БАЖАРДИ

Ўзбекистон саноат корхоналарининг коллективлари Совет ҳокимиятининг олтмиш йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашиб, янги галабани қўлга киритдилар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 9 ойлик плани муддатидан илгари 23 сентябрда бажарилди.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ амалда

МЎЛ-КЎЛЧИЛИКНИ КЎЗЛАБ

Улуғ айём — Совет давлатининг 50 йиллик қутлуғ тўйи тобора яқинлашиб келмоқда. Совет кишилари шонли юбилей шарафига олинган улкан мажбуриятларни ado этиш учун бошланган мусобақанинг куч-сайини авж олдириб, ажойиб меҳнат муваффақиятларини қўлга киритмоқдалар. Бу умумхалқ курашида тинмай-тинчимас назоратчиларининг ўрни алоҳидадир.

Районимиз меҳнаткашлари юбилей йилида деҳқончилик, чорвачилик, богдорчиликни янада юксалтириб, маҳсулот сифатини яхшилаб, таннархни арзонлаштириш мажбуриятини олишган. Сабзавот, картошка, чорва ва богдорчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рентабеллаштириш, хўжаликларнинг ҳар бир тармоғини сердаромад соҳага айлантириш асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Моддий-пул маблағлари ва меҳнат ресурсларидан тежабтергаб фойдаланмай, ҳар бир соҳада иштисод қилишга эришмай туриб, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириб бўлмаслигини жуда яхши тушунган халқ назоратчилари бирмунча ишларни амалга оширмоқдалар. Айниқса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Республика халқ хўжалигида иштисод қилиш ва тежамкорликнинг оммавий кўригини ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида талайгина тадбирлар кўрилди.

Бошлангич партия ташкилотлари, халқ контроли органлари хўжаликларда тежамкорлик ва иштисод қилиш кўриги комиссияларини тузишди. Бундай комиссиялар райондаги барча колхоз ва совхоз, корхона ва муассасаларда фаол иш бошлаб юборди. С. Раҳимов номли, К. Маркс номли, Калинин номли колхозлар, «Тошкент», «Назарбек», «Москва» совхозларининг кўрик комиссиялари халқ назоратчилари билан бевосита ҳамкорликда иш олиб бориб, ишлаб чиқариш участкаларида оммавий текширишлар ўтказдилар. Натижада бир ойдаёқ 800 тонна металлом тўпланди, кўп миқдорда ёқилғи тежаб қолинадиган бўлди, автотрактор паркларида эҳтиёт қисмлардан фойдаланиш тартибга солинди.

Колхоз ва совхозларда оғир ва кўп меҳнат талаб қилинадиган иш жараёнларини механизациялаштириш — ишлаб чиқариш рентабеллигини таъминлашнинг муҳим омилидир. Халқ контроли органлари шуни назарда тутиб, сабзавотчиликда ҳам техника имкониятларидан тобора тўлиқ фойдаланишга эришмоқдалар. Чунончи сабзи, пиёз, картошка каби экинларни техника воситалари билан сепишни олайлик. Илгарилари хўжаликларда сеялкалар бўлар-ди-ю, лекин ундан фойдаланилмасди. Жонкуяр назоратчиларимиз ташаббуси билан бу йил техника воситаларидан ўринли фойдаланишга эришилди. Айрим хўжаликларда хатто карам ҳам механизация воситаларида қисқа муддатларда сифатли экиб олинди. Биргина Навоий номли колхозда 66 гектар майдонга пиёз машиналар билан сепилди. Бунинг оқибатида 960 сўмлик меҳнат куни тежаб қолинди.

Куйбишев номли колхоз халқ контроли группаси техника ремонтини назорат остига олди. Трактор паркида ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, 5 та «ДТ-54», 1 та «ДТ-24», 3 та «Белорусь», 8 та чопиқ трактори ремонтдан сифатсиз чиқарилган. Текшириш вақтида устахонада эҳтиёт қисмлар тўғри сақланмаётганлиги, ремонтчилар иши назорат қилинмаслиги маълум бўлди. Ўртоқ М. Қорабоев раҳбарлигида группа аъзолари ўтказган текшириш натижаси колхоз правлениесининг йиғилишида муҳокама қилинди. Камчиликларга йўл қўйган механик А. Бойбобоев қатиқ огоҳлантирилди. Ремонт устахонасида тартиб ўрнатилди.

Далаларда ҳозир айни пишиқчилик. Халқ назоратчилари етиштирилган мўл ҳосилни нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун курашда бош-қош бўлишаяпти. Сабзавот пайкалларида оммавий текширишлар, рейдлар ўтказилмоқда. «Бўзсув» совхозида полиз ва сабзавот экинларининг ҳосили нобуд бўлишига йўл қўйилган. Халқ контроли группасининг аъзоларидан Х. Латипов, Т. Мансуров, А. Аҳмадбоев ўртоқлар далаларда текшириш ўтказиб, камчиликларни очиб ташладши. Бир қатор бригадаларда етилган ҳосил вақтида терилмаган, йиғиб қўйилган маҳсулот пунктларга кечикиб юборилган. Совхоз раҳбарлари халқ назоратчиларининг таклифи асосида йиғим-теримни ташкил этиш билан жиддий шуғулланмоқдалар. Бу жиҳатдан Калинин номли колхоз халқ назоратчиларининг фаолиятлари гоят ибратлидир. Бултур биринчи ярим йилда сутнинг ёғи паст бўлгани учун 17 тонна сут чегириб ташланган эди. Ферманинг олиб бораётган назорат пости (бошлиғи ўртоқ И. Оқмирзаев) колхоз тежамкорлик комиссияси (раиси ўртоқ Қ. Усмонов) билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни анализ қилиб чиқди. Натижада сут ва гўшт таннархини арзонлаштиришга хизмат қилиши мумкин бўлган имкониятлар аниқланди. Соғин сигирларни парвариш қилиш режими такомиллаштирилиб, дағал озуқалар буғлатиладиган ва молларга терт ҳолида берладиган бўлди. Тез орада бу тадбир кутилган натижани берди. Бу йил биринчи ярим йилдаёқ сут ёғи нормадагидан юқори бўлгани учун 10 тоннага яқин сут қўшилди. Бир центнер сут таннархи 13 сўм 80 тийинданга айланди. Озуқа қайта ишланаётганлиги оқибатида унинг тўйимлилиги ошаётир, сифати яхшиланмоқда. Бу ҳол озуқа бирлиги сарфлашни 1.7 дан 1,6 га камайтириш имконини бермоқда. Бир центнер сут ишлаб чиқариш учун меҳнат сарфи ҳам 33 тийинга камайтирилди. Етиштирилаётган ҳар центнер гўштининг меҳнат ҳаражати бўлса 2 сўм 10 тийинга арзонлашди. Умуман, чорвачиликдан олинаётган даромад 2 баравар кўпайди.

Совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилей йилида районимиз халқ назоратчилари фаол иш олиб бормоқдалар. Халқ контроли группалари ва постларининг фаолиятларн кун сайин активлашиб бормоқда. Иштисод қилиш ва тежамкорлик кўригини ўтказишда улар ташаббускорлик кўрсатаётирлар. Бунинг натижасида халқ хўжалиги вазифаларн муваффақиятли бажарилмоқда.

Д. АЙТҚУЛОВ.
Калинин район халқ контроли комитетининг раиси.

СИФАТГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

Ақли расо ҳар бир одамдан: «уйнинг остонаси полдан баланд бўладими, ёки пол остонадан-ми?» деб сўрасангиз ийигида кулиб, «шу ҳам сўроқ бўладими, мени синаяпсизми?» дейиши муқаррар. Чунки остоннинг полдан бироз юқори ўрнатилиши, эшикнинг таги полга тегмаслиги керак-да! Акс ҳолда эшик очилмайдику.

Лекин шу оддий ҳақиқатни тушунмайдиган қурувчи инженерлар ҳам бор. Ишонмайсизми? «Главташкентстрой»нинг 3-қурилиш трестига қарашли 5-бошқарма бошлиғи Л. Л. Крисс, 1-пардозлаш трестига қарашли 24-қурилиш бошқармасининг бошлиғи И. К. Цой ўртоқлар қуриб, пардозлаган Рисовая кўчасидаги 48 квартирали уйга марҳамат қилсангиз, юқоридаги сўзимизнинг тўғрилигига ишонасиз.

Л. Л. Крисс ва И. К. Цой ўртоқлар сувоқдан янгигина чиққан бу уйга киришмоқчи бўлишади. Лекин эшикларни аранг очишади. Бу ҳам етмагандек уйга газ трубалари ўтказиш, зиналарга тутқич қилиш... ҳам «эсдан чиқибди». Иш технологиясига риоя қилинмаганлиги, ностандарт плиталар ўрнатилганлиги оқибатида қурилган уй брак чиқди.

— Хўш бу қанақаси бўлди?— дейди ўртоқ Крисс.

— Шундоқ,— дейди бамайлихотир Цой.

— Энди нима қиламиз?— қошларини кериб сўрайди Крисс.

— Бузамиз, қайта қурамиз,— дейди Цой қўлларини қовуштириб.

— Қанча қўшимча пул кетади бу ишга?

— Тахминан 200 минг сўм?

— Вой бўй...

— Давлатимиз бой,— дейди керилиб Цой, — 200 минг сўм нима бўпти?

Бу суҳбатдан кейин ўрнатилган эшиклар кўчириб олинади. Кесаки ўринлари кенгайтирилади. Халқ пули кўкка совурилади, одамларнинг вақти кетади, бунинг натижасида, объект ўз вақтида фойдаланишга топширилмай, планлар бардод бўлади. Л. Л. Крисс ва И. К. Цой ўртоқлар эса парвойи-фалак.

Бу иш бости-бости бўлиб кетди, шекилли деб юрган эдилар, орага халқ назоратчилари аралашиб қолди. Қўл учида қилинган ишлар ошкор бўлди. Текширув натижасида шу кўчада қурилган 40 квартирали уй дераза ва эшик кесаклари учун қолдирилган жойларнинг ҳам бири тор бири кенглиги, электр симлар учун жой қолдирилмай суваб кетилганлиги, гипс тўсиқ деворлари лойиҳадагига зид равишда қурилганлиги маълум бўлди. Шунингдек, Рисовая кўчасидаги 1284 ўқувчига мўлжалланган мактаб қурилишида ҳам ёнма-ён-ёрик иккисонларга йўл қўйилган.

Фақат мактабнинг суваб қўйилган деворларига электр симлари учун қайтадан тешиклар очиш, газ трубалар ўтказиш учун ишчиларга қўшимча 493 сўм тўланди. Юқоридаги барча ишкалларни бартараф этишга ҳам ҳали давлатнинг неча миналаб сўми беҳуда сарфланади.

«Главташкентстрой» халқ контроли комитетида ўртоқ Крисс ҳамма айбни лойиҳачиларга тўнкаб сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлди. Бироқ бу баҳоналар уйдирма эканлигини халқ назоратчиларига беш қўлдек аён эди.

Қурилиш-монтаж ишларини олиб боришда иш технологиясига риоя қилинмаганлиги, бунинг натижасида содир бўлган бранни тузатиш учун давлат маблағини нормадагидан ортиқ сарфланишига йўл қўйганлиги учун 3-трестга қарашли 5-қурилиш бошқармаси бошлиғи Л. Л. Криссга қаттиқ виговор эълон қилинди. Йўл қўйилган бракларни ўз вақтида бартараф қилиб объектни ўз вақтида топшириш вазифаси юклатилди.

1-пардовлаш тресги 24-бошқармасининг бошлиги И. К. Цойга ишдаги пала-партишликларни даврол тузатиш кераклиги уқдирилди.

Ш. ҚОСИМОВ.

ТАШАББУСКОРЛАР

Ихтисослаштирилган устахонамизда ишлар тобора қизғинлашиб бормоқда. Бу соҳада халқ назоратчилари ҳам фаол меҳнат қилмоқдалар. Халқ контроли группасига ҳаммаси бўлиб 16 киши аъзо бўлиб кирган. Биз уларнинг ишини планли равишда ташкил этаётганлигимиз туфайли материалларни тежаш, иштисод қилиш соҳасида кўпгина ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Халқ назоратчилари иштисод қилиш ва тежаш масаласи билан узлуксиз шуғулланиб келадилар. Уларнинг ташаббуси билан устахонада 18 та таклиф ишлаб чиқаришга жорий этилди. Натижада шу йилнинг биринчи ярим йилидаёқ бир неча минг сўмлик материал тежаб қолинди.

Биз халқ назоратчиси Борис Шининнинг ҳимматидан айниқса миннатдормиз. У электр мотор билан ишловчи дастгоҳлардаги катта қувватдаги моторларни кичиклари билан алмаштириши тавсия этди. Унинг бу таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилингач, йил охирига қадар 5 минг сўм маблағни тежаб қолиш имконияти туғилди. Назоратчи В. Леконский эса цехларда кундузги электр ёритишга ўтишнинг ташаббускори бўлди.

Халқ назоратчилари ишчилардан тушадиган ҳар хил сигналларга ҳам сезгирлик билан муносабатда бўладилар. Ана шундай сигналлар асосида корхонанинг омбор ва цехлари текширишдан ўтказилди. Очиқ жойларда қолиб кетган материаллар йиғиштириб олинди. Фойдаланишга ярамайдиган қисмлар эса металломга топширилди. Жонкуярларнинг астойдил қилган ҳаракати туфайли 115 тонна металл тўпланди.

В. И. ИЛЬИН,
Янгибозордаги ихтисослаштирилган устахона халқ контроли группаси раиси.



Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз халқ контроли группаси раиси С. Исмоилов (ўнгдан) ва бош агроном Э. Исоқов ўртоқлар машина теримига ажратилган далаларни кўздан кечирмоқдалар.
А. Абалян фотоси.

ТЕЖАМКОРЛИК ПОСБОНЛАРИ

Фабрикага борганимизда тасодифан халқ назоратчилари йиғилиши устидан чиқиб қолдик...

— Назоратчиларимизга ҳар қанча раҳмат айтсак арзийди,— деб сўзларди халқ контроли комиссиясининг раиси В. К. Макаричева, — фабрикага келтирилган пойафзал учун ишлатиладиган михлардан сал кам бир тонна кам чиқиб қолди. Нега бундай бўлди? Ишчилар бирма-бир санаб олинган эдику!

Назоратчилар бунинг сабабини билиш учун астойдил киришдилар. Маълум бўлишича, иш бошидан пухта қилинмаган экан. Михлар жойланган ящиклар яхшилаб бекитилмаганлиги туфайли контейнерга ортиш вақтида йўл-йўлакай тўкилиб қолибди. Халқ назоратчилари бу ҳақда Бокудаги 2-миҳ тайёрлаш фабрикасига хабар қилишди. Фабрика раҳбарларидан олинган жавоб хатида қуйидаги миннатдорчилик сўзлари ёзилган эди: «Вақтида камчилигимизни кўрсатганлигингиз учун раҳмат, сизларнинг ёрдамингизда яна бошқа камчиликларни ҳам аниқладик. Айбдорларга чора кўрилди. Михнинг камоматини тўлатиб юборамиз».

Ўша кунги йиғилишда халқ назоратчиларининг яна бир ибратли иши — 2-тери заводи томонидан юборилган чамларнинг сифатсиз эканлигини аниқлаганликлари ҳам айтиб ўтилди. Ю. Сошов, Г. Соколова, Т. Исмонлов, Ш. Раҳмонов сингари назоратчиларнинг номлари алоҳида тилга олинди. Навбатдаги вазифалар белгиланган, халқ назоратчилари ўз иш жойларига тарқалди.

Биз ҳам В. К. Макаричева билан фабрика айланиб, у ердаги ишларнинг бориши билан танишдик. Саккиз ойлик план ортиғи билан бажарилибди. Иштисод қилиш ва тежамкорлик кўригига фаол қатнашаётган пойафзалчилар тежалган маҳсулот ҳисобига 40 минг жуфт пойафзал тайёрлашибди. Натижада фабрика бюджетига 330 минг сўм қўшимча фойда келиб тушибди.

Ҳеч шубҳасиз, бу ютуқларнинг қўлга киритилишида назоратчиларнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Ҳар бир цехда постлар тузилган. Пост аъзолари ўзларига топширилган ишни бажариш билан бирга ҳом ашёдан қандай фойдаланилаётганлиги, маҳсулот сифати қандай бўлаётганлигини ҳам кузатиб борадилар. Бирон пойафзалчи камчиликка йўл қўяётган бўлса, кўплашиб туриб уни тузатиш тадбирлари кўрилади. Шу туфайли ҳам кейинги пайтда ишлаб чиқарилаётган оёқ кийимларининг сифати анча яхшиланди.

Цехларни айланар эканмиз, халқ назоратчиларининг исми ва фамилияси ёзилган доскага кўзимиз тушди. Ана шу доскага 8-цех ишчиси Лутфи Исамуҳамедова биринчилар қаторида ёзиб қўйилган эди. Валентина Макаричева бизни у билан таништирди.

— Бизда бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун иш-лайди, — дейди Лутфи, — бир-биримизга ўргатамиз, биримиз биримизни назорат қилиб борамиз. Ҳамкорлик, ўзаро ёрдам катта фойда келтирмоқда. Ўтган ойлар мобайнида иштисод қилинган ҳом ашёлар ҳисобига сал кам 600 сўм пул тежалди. Саккиз ойлик планни 105 процент қилиб бажардик. Ҳар бир ишчи кундалик топшириғини 2,5—3 ҳиссага етказиб бажаради.

Фабрика назоратчилари фақат ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйиш соҳасидагина эмас, бошқа ишларда ҳам маъмуриятга самарали ёрдам берётирлар.

Фабрикада 400 ўринга мўлжалланган болалар боғчаси қурила бошлаганига анча бўлган эди. Қурувчилар боғчани юбилейгача битказамиз, деб сўз беришганди. Лекин бўлмагур сабаблар билан қурилиш орқага сурилди. Маъмурият бу суст-кашликнинг сабабини аниқлаш-ни назоратчиларга топширди. Халқ назоратчиси Р. М. Дўсталимов қурилиш кетаётган жойга бориб аҳвол билан танишди. Ишчиларнинг қай маҳалда ишга келиб, қай маҳалда кетиши, меҳнат унумдорлигини кузатди. Маълум бўлишича, меҳнат интизоми анча бўшашиб кетган экан.

— Агар аҳвол шу зайлда давом этадиган бўлса, — деб ахборот берди маъмурнятга Дўсталимов, — боғча қурилиши белгиланган муддатда битмайди. Назоратни кучайтириш, агар иложи бўлса ишни икки сменада ташкил этиш лозим.

Имкониятлар ҳисобга олиниб, иш икки сменада ташкил этилди. Қурилиш раҳбарлари ишни сусайтириб юборганликлари учун қатъий огоҳлантирилди, уларга зарур йўл-йўриқ кўрсатилди.

Ҳозир боғча қурилиши жадал бормоқда. Бугина эмас, халқ назоратчилари фабрикада оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни жонлантиришда ҳам партия ташкилотига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Э. ҚОДИРОВ,
Топкентдаги 1-пойафзал фабрикаси.

«МЕНДАН КЕТГУНЧА...»

Завод ишлаб чиқараётган маданий-маиший ва хўжалик эҳтиёжлари учун ишлатиладиган буюмларнинг сифатсизлиги тўғрисидаги шикоятлар директорга тинчлик бермай қўйди.

— Қачонгача бу аҳвол давом этади,— деди у бош инженерни чақириб,— шартномадаги маҳсулотни етказиб бера олмаётганлигимиз туфайли савдо ташкилотлари бошқа корхоналарга мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар. Қўл пуркагичларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирганимизга ҳам анча бўлди. Жуда бўлмаса пуркагичларни сифатли ишлаб чиқарайлик!

— Хўп бўлади, ҳаракат киламиз,— деб жавоб берди бош инженер.

Лекин заводда тайёрланган салкам 8 минг пуркагич савдо ташкилотларига тарқатилганида ҳеч ким уни сотиб олмади. Негаки, бу механизмлар қўпол, оғир, такомиллашмаган эди.

— Энди нима қиламиз?— сўради директордан кейин.

— Нархини тушириш керак, —ҳозиржавоблик қилди директор.

Дарҳол буйруқни бажо келтиришди. Олти сўм етмиш тийинлик пуркагич машиналарининг нархи уч сўм етмиш тийинга келтирилди. Бунинг эвазига завод неча ўн минг сўм зарар кўрди. Лекин барибир ҳозир ҳам пуркагич машиналарининг бозори касод.

...Янгийўлдаги «Нормаль» заводи раҳбарлари «фаолияти»дан олинган бу шингил ҳикоя-ни бизга область халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори Николай Михайлович Кондратьев айтиб берди.

— Завод иш бошлаганига етти йилдан ортиди,—дейди у, —лекин, кўпинча, бу ерда иш-лаб чиқариш планлари бажарилмас экан.

Бу ерда бир неча минг сўм сарфлаб олинган гидропресс компрессорнинг йўқлиги туфайли фойдаланилмай ётибди. Корхона ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ярим йиллик планини атиги 30 процент ado этибди, холос.

Агар бунинг сабабини сўрасангиз завод директори В. С. Столовицкий «Металл ҳамда ишчи кучлари етишмайди» деб жавоб беради. Аслида эса ундай эмас. Шу йилнинг март ойида завод 226 тонна пўлат олган, ўтган йилгидан қолган металларнинг бордиги ҳам маълум бўлиб қолди. Заводда тайёрланаётган темир-терсак буюмларининг таннархи гоят қимматга тушмоқда. Корхона фақат иккинчи кварталнинг ўзидагина савдо тармоқларига 35 минг сўмлик маҳсулотни кам етказиб берди.

— Мен,— деди Николай Михайлович Кондратьев,— халқ контроли комитетига келган сигнал бўйича Оҳангарондаги «Сантехлит» заводида ҳам ишлаб чиқаришнинг қандай йўлга қўйилганлиги билан танишиб келдим.

Ҳаммага маълумки, бу завод чўян ванналар, қозонлар, ювиш машиналари, болалар ванналари ишлаб чиқаради.

Афсуски, бу заводда ҳам маҳсулотнинг сифати учун қараш талабга жавоб бермас экан. Кўпгина цехлар белгиланган топшириқни ўз вақтида бажармайди. Апрель-июль ойларида завод ишлаб чиқарган 3245 та чўян ванна бракка чиқарилди.

Завод маъмурияти, инженер-техник ходимларнинг кўп ҳолларда ишга бепарво қарашлари туфайли давлат маблағлари кўкка совурилмоқда.

Ўтган йилнинг декабрь ойлари эди. Завод Салордаги савдо базасига мингдан ортиқ эмал ваннани юборди. База ходимлари бундан гоят мамнун бўлиб, завод раҳбарларига раҳмат айтишди. Лекин уларнинг кувончи узоққа бормади. Келтирилган ванналар обдон текширилиб, экспертизадан ўтказилгач уларнинг ҳаммаси яроқсиз бўлиб чиқди. Бу ҳам майлия, давлат орбитражи сифатсиз маҳсулот ишлаб чинарганлиги учун заводга 7.5 минг сўм жарима солди. Ванналарнинг ҳаммаси заводга қайтариб юборилди, қанчадан-қанча меҳнат зое кетди. Қанчадан-қанча вақт исроф бўлди.

Заводда меҳнат интизомининг пастлиги туфайли бошқа камчиликлар ҳам рўй бермоқда. Ярим йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани бажарилди-ю, лекин реализация плани ado этилмади.

— Ахир қачонгача улар мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида иш кўришади,— дейди Николай Кондратьев,— нега завод раҳбарлари эл манфаатини ўйламай, давлат мулкининг исроф бўлишига, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўл қўядилар?

Жамоатчи инспекторнинг эътирозлари ўринлидир. Ҳар икки завод раҳбарлари ишлаб чиқаришни тубдан яхшилаш, маданий-маиший ва хўжалик эҳтиёжлари учун керакли буюмларни сифатли ишлаб чиқариш учун астойдил бош қотиришлари керак. Акс ҳолда жамоатчиликнинг олдида уларнинг юзлари шувит бўлиб қолади.

Н. РИХСИЕВ.



— Ҳа сенини, қўлга тушар Кансан-ку...?!
А. Холиқов чизган расм.

ЧОРВА МАҲСУЛОТЛАРИ МЎЛ БЎЛСИН

(Меҳнаткашлар депутатлари область Совети сессиясидан)

Юбилей йилида областимиз чорвадорлари ўз зиммаларига катта мажбурият олганлар. Улар бу йил тирик вазнда 22,3 минг тонна гўшт, 72 минг тонна сут, 47 миллион дона тухум етиштириш, йирик шохли қорамоллар сонини 115 минг бошга, шу жумладан, сигирлар сонини 41 минг бошга, чўчқаларни 48 мингга, қўй ва эчкиларни 390 минг бошга, паррандаларни 500 мингтага етказишга аҳд қилгандар.

Давлатга 19,5 минг тонна тирик вазнда гўшт, 55,3 минг тонна сут, 41 миллион дона тухум, 1140 тонна жун сотилади. Чорвадорларимиз бу юксак мажбуриятларини бажариш юзасидан қандай ишлар қилмоқдалар, жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш учун бундан буён нималарга эътибор бериш керак?

Илгари хабар берилганидек, меҳнаткашлар депутатлари область Советининг XI чақириқ III сессиясида ана шу масала муҳокама қилинди. Депутатлар область ижроия комитети раисининг ўринбосари **Қ. Аҳмедов**нинг «Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича олинган социалистик мажбуриятни бажаришнинг боришн ва областда жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш тадбирлари» ҳақидаги ҳамда меҳнаткашлар депутатлари область Совети чорвачилик бўйича доимий комиссияси раиси **М. Қодиров**нинг докладларини эшитдилар ва муҳокама қилдилар.

— Ўтган йилдагига қараганда, — дейди Қ. Аҳмедов, — биз бу йил биринчи сентябрга қадар гўшт етиштиришни 8,5 процент, тухум етиштиришни 19,5 процент кўпайтирдик, сут соғиб олиш ҳам анча ўсди.

Сўнгра докладчи колхоз ва совхозларда йирик шохли қорамоллар сони 3,4 минг бош, чўчқалар 1,6 минг бош, қўй ва эчкилар 19,6 минг бош, товуқлар 9,4 мингтага кўпайганлигини қайд килади. 10 сентябрга қадар гўшт сотиш бўйича мажбурият 73,4 процент, сут бўйича 75,4 процент, тухум бўйича 67,8 процент ва жун сохасида 87 процент бажарилди. Янгийўл районининг хўжаликлари чорвачиликни ривожлантиришда дуруствина натижаларга эришдилар. Районда 1 сентябрга қадар йирик шохли қорамоллар сонини кўпайтириш плани 102,3 процент, чўчқалар 112,7 процент, қўй ва эчки 117,4 процент бажарилди. Гўшт етиштириш 1966 йилдагига нисбатан 28,2 процент ўсди.

Юқори Чирчиқ ва Калинин районининг хўжаликлари ҳам мажбуриятларини бажариш сохасида анчагина ютукларга эришдилар. Область бўйича умуман олганда 32 колхоз ва 2 совхоз гўшт сотиш йиллик планини, 5 совхоз сут планини, 28 колхоз эса тухум планини муддатидан илгари бажарди. Жуда кўп хўжаликлар чорва маҳсулотлари сотиш бўйича ўз йиллик топшириқларини анча ортиғи билан бажардилар.

Давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш бўйича олинган мажбуриятни бажаришда, айниқса, Оққўрғон районидаги «Заря коммунизма», Свердлов номли, Бекобод районидаги Навоий номли, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда», Янгийўлдаги Ленин номли ва бошқа хўжаликлар яхши натижага эришдилар.

Лекин шу билан бирга айрим районлар ва хўжаликларда мажбуриятнинг бажарилиши жиддий ташвиш туғдиради. Ҳамма ерда ҳам бўрдоқига боқиш яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Одатда колхозларда фақат давлатга сотишга мўлжалланган чорванигина бўрдоқига боқишга қўядилар. Ички хўжалик ва бошқа мақсадлар учун керак бўладиган моллар эса етарли тўйдириб боқилмайди. Бу муҳим камчилик.

Гўшт етиштиришни янада кўпайтиришга ҳалақит бераётган камчиликлардан бири чўчқаларнинг камайиб кетганлигидир. Чўчқалар сони 1962 йилдагига нисбатан 23,6 минг бошга камайиб кетди. Натижада гўшт етиштириш салмогида чўчқа гўштининг умумий ҳажми 31,6 процентдан 25 процентга тушиб қолди. Бу гаплар, айниқса, Оққўрғон, Бўка ва Оржоникидзе районларига тааллуқлидир.

Ҳалигача бир қатор хўжаликлар ҳар юз бош уруғчи моллардан жуда кам насл олмоқдалар. Оққўрғон районининг колхоз ва совхозлари сакиз ой давомида ҳар юз бош сигирдан 57 тадан бузоқ, ҳар юз бош совлиқдан 69 тадан қўзи ва чўчқаларнинг ҳар юз бошидан 815 тадан чўчқа боласи олганлар. Бекобод, Бўка районларида ҳам бу соҳадаги аҳволни яхши деб айтолмаймиз.

Сут соғиб олиш ва давлатга сотиш мажбурияти ҳам жуда секинлик билан бажарилмоқда. Масалан, биринчи ярим йилликда хўжаликлар сут етиштириш бўйича ўтган йилдаги графикка нисбатан 4,7 процент олдинда борган бўлсалар, ҳозирги пайтда бу фарқ 0,6 процентга тушиб қолди. Бу ҳам майли-я, айрим районларда сут соғиб олиш камайиб кетди. Бўка районида айниқса, ташвишли ҳолат юз бермоқда. Бу ерда сут соғиб олиш плани 63,3 процент бажарилди, бу ўтган йилдагига қараганда сут етиштириш 87 тонна камайиб кетди, демакдир.

Бекобод ва Оржоникидзе районлари ҳам сут соғиб олишни ўтган йилдагига қараганда анча камайтириб юбордилар. Ваҳоланки, бу районлар шаҳар аҳолисини сут билан таъминлашда салмоқли ўринни эгаллашлари керак.

Сессияда сўзга чиққан кўпгина депутатлар областда ҳар бир соғиш сигирдан минг килограммдан кам сут олаётган бир қатор колхоз ва совхозлар бўлишини қайд қилиб ўтдилар. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Калинин районидаги «Ўзбекистон СССР 40 йиллиги» колхозлари, Янгийўлдаги «Чинор» наслчилик совхоз техникумида саккиз ой давомида ҳар бош соғиш сигирдан 2000 килограммдан ошириб сут соғиб олинган. Лекин Бўка районидаги «XIX партсъезд», Бекобод районидаги «Коммунизм» совхозларида эса ҳар бир соғиш сигирдан атиги 456 ва 667 килограммдан сут соғиб олинибди.

Айниқса, Бўка районидаги ўртоқ Махтумов раислик қилаётган Карл Маркс номли колхозда аҳвол чатоқ. Ўтган йилдагига қараганда бу хўжаликда ҳар бир соғиш сигирдан олинадиган сут 225 килограммдан камайиб кетган.

Бекобод ва Калинин районларидаги колхоз ва совхозларда парандачиликни ривожлантириш сохасида имкониятлардан етарли фойдаланилмаяпти.

Сўзга чиққан депутатлар кейинги йилларда қўйчиликни ривожлантириш сохасида айрим ютуқларга эришилганлигини зўр қониқиш билан қайд қилдилар. Қўйлар туғиши кўпайтириш бўйича мажбурият ҳозирги кунда 115,8 процент бажарилган. Гўштга топширилаётган ҳар бир қўйнинг ўртача оғирлиги мажбуриятдаги 40 ўрнига 42 килограммгача етказилди.

Лекин шунга қарамасдан хўжаликлар ҳар юз бош совлиқдан 92 ўрнига 89 тадан қўзи олдилар, Бекобод районининг колхоз ва совхозларида эса ҳар юз бош совлиқдан 80 тадан қўзи олинган.

Чорвачиликни ривожлантириш суръати сust бораётганлиги сабабларидан бири сигирлар туғиши кўпайтириш планининг бажарилмаслигидир. Ўрта Чирчиқ районидаги хўжаликларда бу соҳадаги план 87,2 процент, Бўка районидаги колхозларида эса 91,4 процент бажарилди. Бундан ташқари кўпгина хўжаликларда моллар бошқа мақсадлар учун кўплаб сарф қилиб юборилади. Биринчи ярим йилликнинг ўзидагина область бўйича 5,699 бош сигир сарф қилиб юборилган. Бу соҳада, айниқса, Бекобод, Юқори Чирчиқ ва Калинин районларида аҳвол чатоқ.

Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш соҳасида колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, район ва область, совет ва қишлоқ хўжалик органлари анчагина ишларни қилдилар. Дағал ем-хашаклар балансида беда хашагининг салмоғи кўпайди. Барча сигирлар силос билан таъминланмоқда. Лекин шу билан бирга бир қатор хўжаликларда ҳали ҳам ем-хашак экинлари ўстириш билан қониқарсиз шуғулланилаётир, маккажўхори, илдиз мевали ва бошқа ўсимликлардан кам ҳосил олинмоқда. Чорва ҳар хил тўйимли озуқа билан етарли таъминланмаётир.

Баъзи бир мисолларни келтирамиз. Янгийўл районидаги Калинин номли колхозда 1963 йилда ҳар гектаридан 191 центнердан маккажўхори кўкпояси олинган, ўтган йили эса ҳосилдорлик 73,7 центнерданга тўғри келди. Оққўрғон районидаги Энгельс номли колхозда маккажўхори ҳосилдорлиги икки баравар камайиб кетди.

Депутатлар ем-хашак тайёрлашнинг аҳволи ҳақида қуйиниб гапирдилар. 10 сентябрга қадар 15,7 минг тонна дағал ем-хашак ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда кам тайёрланди. Бу соҳада, айниқса, Бўка, Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ районлари орқада қолмоқдалар. «Ташсадвинсовхоз» трестига қарашли совхозлар силос бостириш планини атиги 53 процент бажардилар. Бекобод, Оржоникидзе ва Ўрта Чирчиқ районларининг хўжаликларида силос бостириш мажбуриятларининг бажарилиши ҳанф остида. 1-«Пискент», 2-«Далварзин» совхозлари ва бошқа баъзи хўжаликларда ҳам тайёрланган ем-хашак 30—40 процентни ташкил этади.

Сессияда ўртоқ Сотиболдиев директорлик қилаётган пахтакор совхозлар трести қаттиқ танқид қилинди. Гап шундаки, трест раҳбарлари чорвачиликни ривожлантириш масаласи билан етарли шуғулланмаётирлар, улар совхоз директорларига нисбатан талабчанлик кўрсатмаётирлар. Шунинг учун ҳам трестга қарашли совхозларда сигирлар туёғи, уларнинг маҳсулдорлиги камайиб кетганлиги ажабланарли эмас. Масалан, «Кўкорол» совхозида сигирлардан соғиб олинадиган сут 411 килограммдан камайиб кетган. Лекин шунга қарамасдан, трест раҳбарлари ва мутахассислари камчиликларни тугатишга қаратилган кескин чораларни кўрмаётирлар. Трест бўйича дағал ем-хашак тайёрлаш плани атиги 53,2 процент, силос бостириш плани 52,2 процент бажарилди.

Депутатлар: Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари **М. Нўъмонов**, Бўка район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **К. Содиқов** ва бошқа ўртоқлар чорвачиликнинг сust ривожланаётганлиги ва маҳсулдорликнинг озайиб кетаётганлиги билан бирга фермаларда кўп меҳнат талаб қиладиган иш жараёнларини механизациялаштириш ҳам сust бораётганлигини, қўл меҳнати сарфи кўплигини қайд қилдилар.

Нотиқлар чорва маҳсулдорлиги пастлигининг сабабларидан бири наслчилик ишлари яхши йўлга қўйилмаганлигидир, деб кўрсатдилар. Қуйидаги мисолни келтирамиз: Калинин район хўжаликларидаги сигирларнинг 91 процентини зотдор моллар ташкил этади, Бўка районида эса бошқача манзарани кўрамиз. Бу ерда сигирларнинг атиги 30 процентн зотдор моллар ҳисобланади. Бу, албатта, маҳсулдорликка таъсир қилади.

Сессияда Калинин районидаги Калинин номли колхоз комплекс чорвачилик бригадасининг бошлиғи **Н. Лучников** ўз тажрибаси билан ўртоқлашди. Унинг бригадаси давлатга гўшт сут сотиш планини муддатидан илгари бажарди. Чорва қиш учун етарли миқдорда тўйимли ва ширали озуқа билан таъмин этилган. Ярим йилликда чорвачилик маҳсулотларини сотиш ҳисобига 7,2 минг сўм даромад олинди.

Сессияда область партия ташкилоти, совет ва қишлоқ хўжалик органлари фермаларда комплекс чорвачилик бригадаларини жорий қилиш бўйича катта иш қилганликлари қайд қилинди. Тажриба шуни кўрсатдики, бу усулнинг афзаллиги катта. Хўжаликлар ана шу усулни кенг қўлланишлари туфайли чорвачиликни ривожлантиришда янги муваффақиятларни қўлга киритга оладилар.

Сессияда область пахтакор совхозлар трести директори **И. Сотиболдиев**, область халқ контроли комитетининг раиси **И. Раҳматов**, Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхози раиси **Э. Холматов**, Оржоникидзе районидаги «Химик» совхози директори **А. Ўрмонов** ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Сессия муҳокама қилинган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

Сессияда область партия комитетининг секретари **П. В. Костриков** сўзлади.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси **Е. Насриддинова**, область партия комитетининг биринчи секретари **М. А. Абдураззоқов** ўртоқлар иштирок этдилар.



Оққўрғондаги Ҳамид Олимжон номли колхознинг илғор механизатори ўртоқ У. Юсупов шу кунларда ўз социалистик мажбуриятини бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. У ҳар куни юбилей хирмонига 6—6,5 тоннадан «оқ олтин» тўкмоқда. Суратда: участка бошлиғи Ж. Пиримқулов (ўнгда) механизатор У. Юсупов билан навбатдаги ишлар тўғрисида суҳбатлашмоқда.

В. Клоков фотоси.

3-„Далварзин"да ҳам суръат тезлашяпти

Ҳозиргача 3-«Далварзин» совхозининг 3-бўлимида С. Тўйчиева, З. Абдураҳимова, Г. Абдураззоқова сингари қўлмнингилограммчи теримчилар кунига 130—140 килограммдан пахта териб донг чиқарганлар. Бундай пешқадам теримчилар хирмонга барака киритиб келаётган эдилар. Энди бўлса, дала гвардиячиси деб ном олган механик-ҳайдовчилар иш бошлаб юбордилар.

Совхознинг 3-бўлимида 770 гектар пахта майдони бор. Бўлим ишчилари юбилей йилида 22 ўрнига 25 центнер ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Бўлимдаги 25 та машинани бошқараётган механизаторлар ҳосилнинг 1200 тоннасини машина билан териб олишга аҳд қилганлар. Бўлим механизаторлари «зангори кема»ларини ҳайдаб, илғор хўжаликларга етиб олиш учун интилмоқдалар.

А. ЭГАМҚУЛОВ.

СССР билан Вьетнам Демократик Республикасининг жанговар дўстлиги ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда

ҚЎШМА АХБОРОТ

КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков бошчилигидаги СССР ҳукумат делегацияси билан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Вьетнам Демократик Республикаси бош министрининг ўринбосари Ле Тхань Нги бошчилигидаги Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумат иқтисодий делегацияси ўртасида Москвада олиб борилган музокаралар тугади.

Ле Тхань Нгини КПСС Марказий Комитетининг бош секретари Л. И. Брежнев ва СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин қабул қилдилар. Учрашувлар вақтида бўлган суҳбатлар дўстлик ва самимийлик вазиятида ўтди.

Совет-Вьетнам музокаралари вақтида СССР билан Вьетнам Демократик Республикасининг иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари ҳамда Вьетнам Демократик Республикасининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва АҚШ агрессиясини даф қилиш борасида Совет Иттифоқининг Вьетнам Демократик Республикасига янада ёрдам кўрсатишига доир масалалар муҳокама қилинди. Делегациялар илгари тузилган Совет-Вьетнам битимлари 1967 йилда қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ҳам фикрлашиб олишди ва бу битимлар муваффақиятли бажарилаётганлигидан ўзларининг мамнун бўлганликларини айтишди.

Совет томони Америка империализмига қарши, ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун кураш олиб бораётган Вьетнам халқининг қаҳрамонлигига қойил қолаётганлигини билдирди ҳамда ўзининг интернационал бурчига содиқ бўлиб қолаётган Совет Иттифоқи Вьетнам Демократик Республикасининг мудофаа қувватини мустаҳкамлашига ва АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси кучайтирилаётган шароитда мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришига ҳар томонлама кўмаклашишга ўзининг бел боғлаганлигини таъкидлади.

АҚШнинг империалистик агрессиясини даф этишда ва халқ хўжалигининг эҳтиёжларини қондиришда кўрсатилаётган катта ва самарали ёрдам учун, Вьетнам халқининг адолатли курашига қардошларча актив мадад берилаётганлиги учун Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати ва Вьетнам халқининг қизғин ташаккурини Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумат иқтисодий делегацияси КПСС Марказий Комитетига, СССР ҳукумати ва совет халқига изҳор қилди.

Совет ва Вьетнам Делегатлари ўртасида олиб борилган музокаралар натижасида 1967 йил 23 сентябрда Совет Иттифоқининг Вьетнам Демократик Республикасига қайтариб олинмайдиган ёрдам кўрсатиши ва янги кредитлар бериши тўғрисида, СССР билан Вьетнам Демократик Республикаси ўртасидаги 1968 йилда бўладиган товар оборотн тўғрисида битимлар ҳамда бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг илтимосларига мувофиқ, Совет Иттифоқи 1968 йилда Вьетнам Демократик Республикасига самолётлар, зенитранета қуроллари, артиллерия ва отиш қуроллари, ўқ дорилар ва бошқа ҳарбий аслаҳалар, шунингдек комплект ускуналар, транспорт воситалари, нефть маҳсулотлари, ноёб ва рангли металлар, озиқ-овқат, химиявий ўғитлар, дори-дармонлар ҳамда Вьетнам Демократик Республикасининг мудофаа қобилиятини янада оширмоқ ва халқ хўжалигини ривожлантирмоқ учун зарур бўлган бўлак материаллар етказиб беради.

Совет Иттифоқи ва Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумат делегациялари ўртасидаги музокаралар тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди ҳамда Совет ва Вьетнам халқлари ўртасидаги қардошларча дўстликни ва жанговар бирдамликни ривожлантиришда янги муҳим босқич бўлди.

(ТАСС).

МАМЛАКАТЛАР ВА ҚИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

ИШ ҲАҚИНИ ОШИРИШ УЧУН

ҲИНДИСТОН

ДЕҲЛИ. «Ҳиндистон таймс» газетаси хабар беради: Синдри шаҳридаги химиявий ўғитлар заводида забастовка давом этмоқда. Бихар ҳарбий полицияси ва марказий резерв полициясининг олти ротаси бу шаҳарда «қонун ва тартибни» қўриқлаш учун Патнадан (Бихар штати) юборилди. Ишчилар иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар. Газетанинг ёзишича, шаҳардаги аҳвол неснин тус олган. Иш ташловчилар заводга олиб келадиган йўлларни қуршаб олдилар ва корхонага сув ҳамда электр энергияси беришни тўхтатиб қўямиз, деб таҳдид қилмоқдалар.

Бомбайда чиқадиган «Файнэншлх экспресс» газетаси мухбирининг хабар беришича, забастовкада саккиз мингга яқин ишчи қатнашмоқда. (ТАСС).

ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯ

БОННН. Мюльгеймдаги (Рур области) энг йирик электротехника концерни заводининг ишчилари дирекциянинг иш ҳақини 20 процент қисқартириш ниятларига қарши норозилик билдириб иш ташладилар.

Мюльгеймдаги бошқа бир қанча корхоналарнинг меҳнаткашлари иш ташловчилар билан бирдам эканликларини билдириб ўз ишларини тўхтатдилар. «Зюддойче цайтунг» газетаси хабар беради: Гейслингендаги полиграфия ускуналари заводининг 700 га яқин ишчиси ҳам корхона эгаларининг меҳнаткашлар ҳуқуқларига қарши қилаётган ҳужумига норозилик билдириб иш ташладн.

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ТАШАББУСИ

БЕРЛИН, 23 сентябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси XXII сессиясининг ялпи мажлисида СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико сўзлаган нутқини Германия Демократик Республикасининг матбуоти, тинчлик тўғрисида бутун дунёга қилинган даъват деб айтмоқда. Газеталар шу нутқнинг батафсил баёнини босиб чиқариб, Совет Иттифоқининг тинчлик йўлидаги янги ташаббуси муҳим ташаббус эканлигини ва айниқса агрессия таърифини ишлаб чиқишни жадаллаштириш зарурлиги тўғрисидаги лойиҳанинг ҳамда ядро қуролини қўлланишни таъқиқлаш тўғрисидаги конвенция лойиҳасининг актуаллигини таъкидламоқдалар.

«Совет Иттифоқи, деб ёзади «Нойес дойчланд» газетаси, Бош Ассамблея сессиясининг муҳокамасига ғоят муҳим таклифларни киритди. Бу таклифлар аввало, агрессорни жиловлаб қўйишга қаратилган таклифлардир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бевосита бурчи шуки, у ҳар қандай агрессиянинг пайини қирқиши лозим».

Совет ташқи ишлар министри, деб ёзади «Берлинер цайтунг» газетаси, ўз нутқининг анчагина қисмини қизғин халқаро проблемаларга, тинчлик ва Европа хавфсизлиги масалаларига бағишлади. Газета бундай деб ёзади: «У Бонн ҳукумати бутун немис халқи номидан якка ўзи гапиришга уриниб ўтказиб келаётган мана шу агрессив снёсатни жуда қаттиқ қоралади».

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ XXII СЕССИЯСИ БОШ КОМИТЕТДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС) махсус мухбири). Бош комитет кеча Бош Ассамблея XXII сессиясининг кун тартибини қараб чиқишни давом эттирди. Комитет бугун Яқин Шарқдаги аҳвол масаласини шошилинч масала сифатида кун тартибига киритишга қарор қилди.

СИНГАПУР БИЛАН ЮГОСЛАВИЯ ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

ЛОНДОН, 22 сентябрь. (ТАСС). Кеча Сингапур билан Югославия дипломатия муносабатларини ўрнатиш ва бир-бирларига элчи юбориш тўғрисида битимга келдилар.

Рейтер агентлигининг Сингапурдаги мухбири хабар беришича, Сингапур ташқи ишлар министрлиги эълон қилган расмий баёнотда шу ҳақда гапирилади.



Гонконг. Бу уйларда очлик ва яланғочликдан азоб чеккан одамлар истиқомат қилади. ЧТК—ТАСС фотоси.

ВЕНГРИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ДЕКАДАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

БУДАПЕШТ, 23 сентябрь. (ТАСС). Кеча Будапештдаги Венгрия—Совет дўстлиги жамияти биносида Венгрияда ўтказиладиган ўзбек маданияти декадасига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Венгер ва совет журналистлари 1 октябрдан 10 октябргача мамлакатнинг турли шаҳарларида ўтказиладиган декаданинг бой программаси билан таништилар. Декада кунларида Венгрияга Ўзбекистон ССР делегациясининг келиши кутилади. Бу делегация составида таниқли ўзбек артистлари ҳамда Ўзбекистон ССР «Баҳор» қўшиқ ва рақс ансамбли ҳам бўлади.

Декада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини байрам қилиш белгиси остида ўтказилади.

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДА

Бундан беш йил муқаддам, 1962 йил 26 сентябрда Арабистон ярим оролида биринчи республика — Яман Араб Республикаси ташкил топди.

Яман Арабистон ярим ороли-нинг ғарби-жанубига жойлашган бўлиб, аҳолиси 5 миллион кишини ташкил этади. Мамлакат пойтахти Сана шаҳрида 100 минг кишн истиқомат қилади.

Яман мамлакати қадимий бой тарихга эгадир. У VI асргача мустақил давлат, кейин эса хабашлар, сўнгра форслар, араблар ва туркилар зулми остида бўлган. Фақат биринчи жаҳон урушида Туркия таслим бўлгач, мустақил давлат бўлиб қолди.

Яманнинг Европадан Осиёга ўтадиган муҳим денгиз йўлига — Қизил денгизнинг Ҳинд океанига чиқиш ерига жойлашганлиги ҳамда табиий бойликлари инглиз империалистлари диққатини узоқ вақт ўзига жалб қилиб келди. Шу сабабли Англия XIX асрдан бошлаб Яман ерига суқилиб кириб, унга қарашли Адан областини сўнгра бир қатор ерларини босиб олди. Бироқ, Яманни батамом босиб олишга қурби етмади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ва айниқса кейинги йилларда Яманда озодлик кураши кучайиб кетди ҳамда 1962 йил 26 сентябрь революциясига олиб келди. Бу революция мамлакатда истибдод монархия режимини ағдариб ташлаб, тарихда биринчи Яман Араб Республикасини вужудга келтирди. Яман халқининг ривожланиш, империализмдан ва асрий зулм колдикларидан қутилишдан иборат миллий мақсадларини рўёбга чиқариш учун кенг истиқбол йўлларини очиб берди.

Арабистон ярим оролидаги битмас-туганмас нефть бойликларини ўз исканжасига киритиб олган Америка ва Англия нефть компаниялари арабларнинг миллий-озодлик ҳаракати кенгайишидан ва муваффақият қозонишидан қўрқар эди. Шу сабабдан улар мамлакат ичидаги барча реакцион кучларни, яъни тахтдан ағдарилган имом Ал-Бадр ва унинг тарафдорларини ҳамда монархияга содиқ колган қабилаларни ёш Яман Араб Республикасига қарши ҳужумга отлантирдилар.

Табиийки, Яманга дўст араб мамлакатлари мустамлакачи монархия реакцияси билан Яман халқининг миллий-озодлик ҳаракати кучлари ўртасидаги бу курашдан четда қолишмади. Бирлашган Араб Республикаси унга ёрдам сифатида ўз қўшинини юборди. Мустамлакачилар Яманни араб дунёсидан яккалаб қўйишга ҳамда мамлакатда эски кирол (имом) ҳокимиятини қайта ўрнатишга муваффақ бўлолмадилар.

Мамлакат ичидаги ўзаро урушлар экономика ва маданиятни изdан чиқарган эди. Яманнинг янги миллий ҳукумати мамлакат экономикасини юксалтириш ва маданиятни ривожлантириш учун бир қатор тадбирларни амалга оширди. Аҳолидан олинадиган ўрта аср солиқлари бекор қилинди, имом оиласининг ва кўзга кўринган монархячиларнинг мол-мулклари мусодара қилинди. Мамлакат тарихида биринчи марта миллий банк ташкил этилди. Маориф ва соғлиқни сақлаш системалари қайтадан тузилди.

Мамлакат экономикасининг асосини ташкил этган қишлоқ хўжалигида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Экин майдонлари кенгайиб, яқин йилларда 4,2 миллион гектарга етказилади. Фаллоҳлар (деҳқонлар) даромади ортиб бормоқда. Кўпгина районларда намунали давлат хўжаликлари тузилди, биринчи миллий пахтачилик компанияси ишлаб турибди.

Революциядан сўнг ўтган беш йил ичида миллий саноат анча ривожланди, кўн, совун пиширш, цемент, қанд, шиша корхоналари, тўқимачилик комбинати ва бошқа кўпгина корхоналар ишлаб турибди.


СССР билан Яман Араб Республикаси ўртасидаги яхши муносабатлар мавжуд. Совет Иттифоқи 1962 йил 1 октябрда Яман Араб Республикасини биринчи бўлиб таниди. Ёш республиканинг қишлоқ хўжалиги ва саноатини тиклаш ва қайта қуришда мамлакатимиз яман халқига бегараз ёрдам кўрсатмоқда. Совет давлати пахта экиш учун ерларни ўзлаштириш йўли билан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда, цемент ва балиқ консерва заводлари қуришда, Ҳудойда билан Тоиз ўртасида йўл қуришда, балиқ овлашни ривожлантиришда, Ҳудойда шаҳри яқинида катта порт қурилиши ва геология тадқиқотлари ўтказишда, шунингдек Яман миллий кадрларини тайёрлаш борасида иқтисодий ва техникавий ёрдам кўрсатиш тўғрисида Яман Республикаси билан бир қанча битимлар тузди.

Яман Араб Республикаси бетарафлик сиёсатини амалга оширмоқда. Ҳар қандай империалистик агрессияга қарши чиқаётир ва шу билан бирга араб бирлигини ҳимоя қилмоқда. Яман ҳукумати Исроилнинг Яқин Шарқдаги агрессиясини каттиқ қораламоқда, Яқин ва Ўрта Шарқда тинчликни мустаҳкамлашда ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Барча совет кишилари Яман Араб Республикасининг беш йиллиги кунида яман халқига қизғин салом йўллайдилар ва ўз ватани фарогати йўлидаги курашида улкан ютуқларни қўлга киритишини тилайдилар.

И. УСМОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими.

МАТБААЧИЛАР СУЛОЛАСИ



Суратда: ўзбек матбаачилари саркори Юсуф ота Мусамуҳамедов.

Юсуф ота ўғил-қизлари, келин-куёвлари, невара-чевараларини бир жойга йиғиш амри маҳол. Борди-ю уларнинг ҳаммасини ишдан, командировкалардан, ўқишдан, боғча-яслилардан қолдириб бир жойга тўплашга муваффақ бўлсангиз-чи? У ҳолда фото объективига сиғдиролмайсиз. Унинг фарзандлари сони нуроний ёшни билан тенглашиб қолади.

Дарвоқе, Юсуф ота салкам саксон баҳорни кўряпти. Кексалик ғаштини суряпти. Республикамиздаги ҳамма матбаачилар унинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга олишади. У биз учун биринчи рус матбаачиси Иван Фёдоров каби маданиятимиз тарихида сўнмас сиймо бўлиб қолади.

Ўзбек матбаачилиги тарихи зарварақлари ўттан асрнинг саксонинчи йилларидан бошлаб очилади. «Ота-бобоси қилмаган иш»га биринчи бўлиб Сирожиддин Хўжаев, Ҳамид Хўжаев ва Абдураҳмон Хўжаевлар қўл уришган эди. Улар биринчи тош босма билан яшлашган бўлса, Юсуф Мусамуҳамедов биринчи мис босма печатниги бўлиб қолди.

Отанинг фаолияти асримиз бошидан бошланган. Дастлаб у Ильин деган хўжайиннинг кустарь босмахонасига келади. Нене қийинчиликлар билан ишга олишади. Отадан етим қолган, аллақимларнинг эшигида хизмат қилиб юрган ялангоёқ бола кимни ҳам қизиқтирарди.

11 ёшлик шогирдни қандай ишларга буюришмайди. Йўқ, янги шогирд зеҳнли экан. Тезда уни муқова цехига ўтказишди. 1 йил ўтгач эса босма цехига накладчи бўлди.

Ҳамма илғор фикр, ишчи аҳлининг тузумдан норозилиги аввало босмахонадан чиққан. Мамлакатда ва унинг ташқарисида рўй бераётган воқеалардан мана шу босма бўёқ ҳиди билан нафас олиб юрганлар бохабар бўларди. Кичкинагина Ильин босмахонаси ҳам бундан истисно эмасди.

1905 йил Юсуф рус ишчилари билан ҳамкорликда иш ташлашда қатнашди. Иш вақтини қисқартириш, ҳақни ошириш талаби билан шаҳар ҳокимининг олдигача чиқди. Ҳоким ўқ ва қамчини ишга солди...

Йил сайин халқ сабр косаси тўлиб борди. Оқибатда бутун жаҳонни титратган 1917 йил воқеалари бошланиб кетди. Бу воқеаларнинг Тошкентдаги бевосита иштирокчиси Юсуф Мусамуҳамедовдир.

Ота шундай ҳикоя қилади:

— Дарахтларнинг олтин барглари едкага қўниб, ерга оҳиста тушаётган куз оқшомида ишхона-гурбатхонадан одамлар бирин-кетин қайтаётган эди. Темир йўл ишчилари ҳовлиқиб келиб қолишди. Уларнинг чеҳрасидан, сўзларидан яшнрин ҳаяжонни уқиш қийин эмасди...

Ҳарф терувчи Балаханов, машиналарни айлантирувчи Зиёвиддинов, Ризамуҳамедов ва печатниклардан мен босмахонага қайтиб келдик. Балаханов наборни териб тургунча мен машина ва қоғозларни тайёрладим. Милтиқли соқчилар тўрт томонда бизни қўриқлаб турар, биз эса фурсатни бой бермай ишлардик. Бир киши босмадан чиққанини пешма-пеш олиб кетаверди. Хаш-паш дегунча минг нусха варақани босиб қўйибмиз. Шу пайт хўжайин бизнинг ишимиздан огоҳ бўлиб қаердандир келиб қолса бўладими. Ҳукуматга қарши қоғозларга кўзи тушдн-ю, аллақаёққа сим қоқди. Зум ўтмай етиб келган қуролли юнкерлар бизни ва соқчиларимизни ўраб олишди. Бириси варақаларга ташланди, бириси наборни сочиб юборди, бир группаси қоғозларни тортиб олди...

Лекин барибир омма уюшиб, хўжайинларнинг додини беришга муваффақ бўлди.

Октябрь қуролли қўзғолони кунлари Юсуф ота ва унинг шериклари фаол иштирок этдилар. Улар ярадор бўлган қизил гвардиячиларни носилкаларда жанг майдонларидан олиб чиқишди. Балаханов кўча жангларида қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

... Революциядан сўнг иш куни саккиз соат бўлди. Ишчиларга бошқа енгилликлар яратилди. Юсуф ота йигирманчи йилларгача шу ерда ишлади. Уша кезлари отага кўпинча шундай савол беришарди:

— Нега ўзбеклардан полиграфчилар йўқ?

— Чунки Янги шаҳарга қатнаш уларга оилиқ қилади.

Шу сабабли кўп ўтмай Эски Жўвада босмахона очишга қарор қилинди. Ўзбек матбаачилари учун тўнғич корхона бўлган бу босмахонада 1920 йил охирларида биринчи машина ўрнатганлардан бири Юсуф ота бўлган.

У 1931 йилгача шу ерда ишлаб, сўнг Стрелков номидаги ФЗУ ташкил этилгач, у ерга ўтиб шогирдлар тайёрлай бошлади. Кейин тажрибали матбаачини республиканинг район босмахоналарига сайёр механик қилиб ишга олишади. Юсуф ота сиёсий бўлим газеталари ташкил этилган йиллари зўр гайрат билан ишлади. Ўзбекистоннинг ҳамма районларини кезиб чиқди. Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Жиззах, Каттақўрғон, Наманган ва Бухоро босмахоналарида ишни йўлга қўйиб келганлигини бу жойларда ҳали-ҳали гапириб юришади.

Ўзбекполиграфиздатнинг механиги бўлиб юрган йилларн ҳам, 2-ҳунар полиграфия билим юртида ишлаган вақтларида ҳам Юсуф ота маҳаллий матбаачи кадрлар тайёрлашнинг жонкуяри бўлди. Унинг 1934 ва 1939 йилларда нашр этилган «Матбаа иши» деган қўлланма китоби жуда кўп шогирдлар учун муҳим дастур вазифасини ўтади.

Самарали фаолияти учун унга 1933 йил «Меҳнат қаҳрамони» деган фахрий унвон берилган эди.

Меҳнат ва революция ветерани давлат ва жамоат ишларида ҳам ўзини кўрсатди. Юсуф Мусамуҳамедов Ўзбекистон Марказий Ижроия комитети президиумининг аъзоси сифатида бир неча йил ишлаган. Унинг халқимизнинг содиқ фарзанди Йўлдош Охунбоев ҳақидаги хотираларини, Ленинградда оталнн трибун С. М. Киров билан учрашгани, Кронштадтда бўлгани, машҳур «Марат» кемасига Ўзбекистондан совғалар олиб боргани ҳақидаги эсдаликларини мароқ билан тинглаш мумкин.

Юсуф ота ўзбек совет матбуотининг оёққа туриши йиллари ҳақида ҳам жуда кўп нарсаларни айтиб беради. У «Иштирокиюн», РОСТА газеталари, кейинчалик эса «Ер юзи», «Муштум» журналларининг дастлабки сонлари қанчалик қийинчилик билан босилганлигининг жонли гувоҳидир.

— У вақтларда ҳозиргидек қудратли машиналар қаёқда эди дейсиз. Газета босиш учун кичкинагина альбомкани тунн-кун қўл билан айлантирганимиз-айлантирган эди, — дейди у.

Ҳақиқатан ҳам Юсуф отанинг фарзандлари унинг изидан боришмоқда. Уччала ўғли ҳам матбаачи.

Тўнғич ўғли Юнус Юсуфов республикадаги нашриётлардан бирига раҳбар. Қирқ йилдан ортиқ вақтдан буён ота касбини давом эттиради.

Ўртанчаси — Ёқуб ака — Тошкент ирригация институтида ишлайди. У ҳам тажрибали ҳарф терувчилардан.

Кенжа ўғли Мўмин офсет фабрикасида набор цехига бошлик.

Қизларни айтмайсизми? Уларнинг ҳам меҳнат дафтарчасини варақласангиз илк саҳифаларига матбаачи деб ёзилган.

Отанинг ўнлаб невара-эваралари орасидан яна бир неча матбаачилар чиқишига шубҳа қилмаса бўлади. Баъзилари эса бошқача касб танлашган. Мана, Машқура, Дилбар, Дилоромларни олинг. Бири филолог, бири атомчи, бири шарқшунос... Эрта-индин бўлажак олималар. Лекин уларнинг ҳаммаси бахтли тақдирини матбаачи ота меҳнати меваси билан боғлайдилар. Юсуф ота ва унинг шогирдлари қўли билан босмадан чиққан хилма-хил китоблар, газета ва журналлар энёсидан баҳраманд бўлган улар. Биргина улар эмас, бутун саводхон халқимиз баҳраманд.

Ҳа, Юсуф оталар асос солган ишнинг равнақи туфайли ҳозир Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Навоийлар юртида йилига 25 миллион нусха китоб, неча юз миллионлаб нусха газета ва журналлар нашр этилмоқда.

С. МУСАЕВ.

Кекса матбаачи ўғил-қиз, невара-чевералари орасида. А. Абалян фотолари.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Телеянгиликлар**, 18.20 — **Қизиқувчи сичқонча** (болалар учун мульт-фильм), 18.40 — **Эшиттиришлар программаси ва эълонлар.**

Ўзбек тилида: 18.50 — **Телеянгиликлар**, 19.10 — **«КПСС Марказий Комитети Тезисларн — амалда**, 19.30 — **«Ёшлик» студняси кўрсатади**, 20.50 — **Қил устида** (бадиий фильм, иккинчи серия), 22.20 — **Дилрабо куйлар соҳибаси — Ҳадия Юсупова.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Гатчина парни** (ҳужжатли фильм), 18.20 — **Сиртқи ўқитиш перспективалари ва проблемалари** (ўқув эшиттиришлари программаси).

Рус тилида: 18.40 — **Ўқув календари**, 19.10 — **Икки дам олиш куни** (телеочерк), 19.30 — Ярим аср йилномаси. **Совет Ўзбекистони — тасвирий санъатда** (плакатлар кўргазмасидан репортаж).

20.15 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Олмаота кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.30 — **Эшиттиришлар программаси**, 19.35 — **Янгилар**, 19.45 — **Расмли ҳикоялар** болалар учун), 20.00 — **Ленинча 1 май** (ҳужжатли фильм).

Рус тилида: 20.20 — **Илмий оммабоп фильм**, 20.30 — **Концерт** (ёш ижрочилар), 21.10 — **Янгилнклар**, 21.20 — М. Горький туғилган кунининг юз йиллиги олдидан. **ФОМА ГОРДЕЕВ** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 26/IX да **Зулматдан зиё**, 27/IX да **Спартак.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/IX да **Улимдан кучли**, 27/IX да **Аянконларим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/IX да **Бағри тош.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Анна Русскнх раҳбарлигида янги путт цирк артистларининг юбилей программаси.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Фантомас қутурмоқда — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруи).

Тоғдаги учрашув — «ЧАЙКА», «УЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Учинчи корол қаерда? — «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Тоғдаги учрашув — «ФЕСТИВАЛЬ».

Учинчи корол қаерда? — «ХИВА».

Корхона, қурилиш ташкилотлари, саноат, турар жой конторалари бошлиқлари, бригадирлар, бульдозерчилар, экскаваторчилар ва айрим кишилар

ДИҚҚАТИГА



Тошкент кабеллар тармоғи ТашГорПЭС ер ва ер ости ишлари қилинаётганда электр кабелларининг узилиб кетмаслиги учун эътибор билан ишлашни кучайтиришни илтимос қилади ва шу тўғрида уларга мурожаат этади.

Тошкент шаҳар Ижроия комитетининг қарорига мувофиқ ер қазиш, сим ёғочлар ўтказиш, труба ва стерженлар ўтказиш, дарахт экиш билан боғлиқ бўлган ишларга фақат кабеллар тармоғи ТашГорПЭС билан келишилган ҳолдагина рухсат берилади.

ТашГорПЭС вакилларини чақирмасдан иш олиб бориш, электр кабелларини зарарлантиришга, Тошкент саноат корхоналари, қурилиш, шаҳар турар жой биноларининг электр таъминотини узиш ва одамларни бахтсиз ҳодисаларга дучор қилиши мумкин.

Ҳамма справкалар бўйича ва ТашГорПЭС вакилини чақириш учун телефонлар: Чилонзор райони — Ж-7-21-71, Ж-7-17-56; Октябрь райони — 4-32-72, 4-09-40, Ленин райони — 5-26-67, Куйбишев райони — В-3-08-13.

ИШГА ТАКЛИФ:

А. НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРГА

рекламачи.рассом, бухгалтерлар, хўжалик мудири, бино номенданти, тикувчилар, шунингдек театр солистлари учун квартиралар

КЕРАК

Театрнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

2.ТАШТРАНССПЕЦСТРОЙ ТРЕСТИНИНГ 7-МАХСУС БОШҚАРМАСИГА

ғишт терувчилар, бўёқчилар, дурадгорлар, электрослесарлар (4, 5 разрядли), 3 разрядли **бетончилар**, 3, 4 разрядли **сувоқчилар, компрессор машинистлари, ювчилар**

КЕРАК

Меҳнат ҳақи ишбай асосида тўланади.

Ёлғиз кишиларга ётоқхона берилади.

Тошкент шаҳар, Педагогическая кўчаси, 75-уй, кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон 5-02-09.

9-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ 51-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

ғишт терувчилар, дурадгорлар, бетончилар, арматурачилар

КЕРАК

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан, оилалилар бир йил муддатда турар жой билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Турқўрғон проезди, 26-уй (10-трамвай, 8, 10, 47, 49, 56-автобуслар, 2, 7-троллейбусларнинг «Ишчилар шаҳарчаси» тўхташ жойи).

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН БУХГАЛТЕРИЯГА **катта бухгалтерлар ва бухгалтерлар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Заводская кўчаси, 34-уй, бош бухгалтерга учрашилсин.

Узбекистон ССР Қурилиш министрлиги 6-қурилиш трестининг 5-ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

(Ўрта овул посёлкаси)

геодезист (бир йил муддатда квартира билан таъминланади)

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Педагогическая кўчаси, 75-уй, кадрлар бўлими. Телефонлар 5-12-89, 5-10-36.

Боғдорчилик-узумчилик ва сабзавот совхозлари ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ТРЕСТИГА

трестда ва Тошкент областида ишлаш учун

бош бухгалтерлар, бош бухгалтер ўринбосарлари, катта бухгалтерлар, молия бўлими бўйича бош бухгалтер ўринбосари

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 30 а-уй, кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

«ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИ СТАДИОНИДА

26 сентябрь кеч соат 5 яримда

Совет Иттифоқи биринчилиги учун

«А» классидаги

«Иртиш» (Омск) — «Политотдел» (Тошкент области) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Тошкент янгиликлари

ДЎСТЛАР АРМУҒОНИ

Пойтахтимизга келган қурувчилар сидқидилдан меҳнат қилиб деярлик ҳар ҳафтада биттадан янги турар-жой ва жамоат бинолариии фойдаланишга топшираётқирлар. Улар ғайрати билан Чилонзорнинг жамоли кун сайни очилиб бораётир. Бу районда қурилган янги уйларда шаҳар меҳнаткашлари истиқомат қилишаётир.

Куни кеча москвалик дўстларимиз Чилонзорнинг 13-В кварталида яна бир бинони ҳадя этишди. Бу болалар боғчасида 280 та кичкинтой тарбия олади. Шу кварталнинг яқинида янги мактаб қурилиши ҳам жадал суръатлар билан олиб борилаётир. 1200 ўқувчига мўлжалланган мактаб ҳам 50 йилликкa совға бўлади. Бундан ташқари Чилонзорда янги алоқа бўлими, 50 ўринли кафе ҳам аҳолига хизмат қилаётир.

ТАРИХ — ЭКРАНДА

Тошкентлик киноҳужжатчилар ҳозир қизғин иш устида. Улар юбилейга атаб бир қатор ҳужжатли фильмлар яратиш билан банд.

Октябрнинг 50 йиллигига бағишланган дастлабки фильмлар бирин-кетин кўрикдан ўтаётир. Режиссёрлар С. Давлатов, Ю. Аветников оператор А. Мирумян билан ҳамкорликда «Майдондаги ҳайкал» номли бир қисмли ҳужжатли фильм яратдилар. Унда Тошкентнинг ўн тўрт комиссарлари ҳақида ҳикоя қилинади.

«Октябрь яратган шаҳарлар» циклида ҳам бир қатор ҳужжатли фильмлар экранга чиқанити. Ҳозир «Олмалиқ — металлургилар шаҳри» фильми қўлдан чиқди. Фильм сценарийсини И. Муқимов ёзган. Унда республикамиз рангли металлургияси марказининг ўтмиши, юксалиши ва истиқболи қизиқ-қизиқ кадрларда ҳикоя қилиб берилган.

Киноҳужжатчилар, шунингдек, Катта Фарғона канали қурилишига бағишланган «Канал», республикамиз саноати ва маданияти юксалишини ифодаловчи «Уйда ва йўлда» фильмларини ҳам яратдилар. Юбилейгача тарихни гавдалантирувчи яна бир қатор фильмлар томошабинлар муҳокамасига ҳавола қилинади.

ЖОН РОҲАТИ

Тошкентимиз ёзнинг жазирама кунларида анча иссиқ бўлади. Шундай кезда ҳонадонда вентилятор бўлса жон роҳати. Самарқанддаги электротехника заводи тошкентлик дўстларга бир неча минг вентилятор юборишга аҳд қилган эди. Яқинда дўстларимиз 50 мингдан ортиқ пластмассадан ишланган вентиляторни юборишди.

Шуниси яхшики, вентилятор ҳар қанча айланса ҳам қизимайди. Бундай совғаларни Ленинград, Харьков шаҳарларидаги дўстларимиз ҳам тошкентликларга юбориб туришмоқда.

ҲАР ТЎҒРИДА

ЭНГ НОВЧА ОДАМЛАР

Бразилиянинг Ампаро деган посёлкасида бир оила бор. Оила бошлиғи Титин Антоннода Сильванинг бўйи 251 сантиметрдан ортиқ, унинг қизи Фелицианинг бўйи эса 225 сантиметрдир.

ФУТБОЛ

ПЕШҚАДАМЛАР ПОЙГАСИ

Навоий шаҳрининг «Зарафшон» ва Тошкент областининг «Свердловчи» колхоз командаси зона голиби бўлиш учун чинакам пойгани давом эттиришмоқда. Кейинги турда навоийликлар Жамбул шаҳрида «Восход» билан ўйнаб 4:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. «Свердловчи» ҳам бўш келмади. У ўз майдонида Самарқандиинг «Сўғдиёна» футболчилари дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритиб, навбатдаги ғалабага эришди. Ҳозир «Зарафшон» 31 ўйиндан 49 очко, областимиз футболчилари эса 32 ўйиндан 47 очко тўпладилар. Пешқадамлар шу қадар илгарилаб кетишдики, учинчи ўринда бораётган команда — «Темиртоу»дан 10—12 очко олдинда боришмоқда.

Шу турда Чирчиқнинг «Химик» командаси «Вахш» билан учрашиб, 1:1 ҳисобида дуранг натижага эришди. Олмалиқ футболчилари эса «Пахтакор» (Кўрғонтепа) командасини 5:0 ҳисобида таслим қилдилар.

Конгода чиқадиган «Эссор дю Катанга» газетаси Трансволда яшовчи Джон Камуйанга тўғрисида хабар берган. Бу одамнинг бўйи 275 сантиметр экан. Бўйининг ниҳоятда новчалигидан Джон доим пиёда юришга мажбур бўларкан.

ПЛАНЕТАМИЗ ТАШВИШЛАРИ

Францияда чиқадиган «Парн-сўар» газетасининг хабар беришича планетамизда ҳанузгача 600 миллион киши юқумли касалликларга қарши эмланмас экан. 700 миллион киши сира ҳам врач қабулига муяссар бўлмаган. 800 миллион киши тиш чўтка деган нарсани тавсаввур ҳам қилмайди. Саводсизлар сони 1 миллиардга боради. Бир ярим миллиард одам ҳеч қачон кино кўрган эмас ва электрсиз ҳаёт кечиради. 1900 миллион киши водопроводдан фойдаланиш имкониятларидан маҳрумдир.

ҲАР КИМ ЎЗ БАҲОСИ БИЛАН

Испанияда нашр этиладиган «Семана» журнали: Италия ички ишлар министрлиги сицилиялик каллакесар Жулианнинг бошн учун 400 минг лира тўлашни таклиф қилибди. Бандит эса ички ишлар министри бошига бир миллион лира баҳо қўйибди, деб хабар беради.

ХАРИДОРЛАР МАМНУН

Генерал Петров кўчасида 55-озиқ-овқат магазини бор. Бу магазин Куйбишев райпишчеторгига қарашли. Бундан бир йил илгари харидорлар магазин хизматидан қаноат ҳосил қилмас эдилар. Чунки бино кичкина, тор бўлмб, сотиладиган маҳсулотларнинг турини кўпайтиришга имконият йўқ эди. Яқинда шу магазин ёнида янги бино қад кўтарди. У энг янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди ва фойдаланишга топширилди. Энди бу магазин харидорларга ҳам, сотувчиларга ҳам жуда яхши қулайлик туғдирмоқда.

Янги магазинда озиқ-овқат маҳсулотларининг турлари кўпайтирилди. Ҳозир харидорларнинг кети узилмайди, сотувчиларнинг қўлларн қўлларига тегмайди. Харидорлар яна бир қулайликка эга бўлдилар. Эски магазин биноси сабзавот ва ҳўл мевалар билан савдо қилувчи дўконга айлантирилди. Шу йўл билан аҳолининг ёз ноз-неъматларига бўлган талабларн ҳам тўла қондирилмоқда.

Харидорлар янги магазин ишга туширилганидан, бу ерда ҳам сабзавот ва ҳўл мевалар узлуксиз сотилиб турилганидан хурсандлар.

В. КОМИЛОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.



1968 ЙИЛ УЧУН

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ҚИЛИШ БОШЛАНДИ

ОБУНА БАҲОСИ: бир йилга—5 сўм 28 тийин, олти ойга—2 сўм 64 тийин, уч ойга—1 сўм 32 тийин.

ГАЗЕТАГА «СОЮЗПЕЧАТЬ» БЎЛИМЛАРИДА, ОБУНА ҚИЛИШ ПУНКТЛАРИДА, ИШ ВА ЎҚИШ ЖОЙЛАРИДА ЁЗИЛИШ МУМКИН.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 035212, Редактор ўринбосарлари — В35885, В31232, Масъул секретарь — В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — В33786. Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — В 35811, Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 02124. Индекс — 64697. А. 1753.